

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк»  
акциядорлик тижорат банки  
Кенгашининг  
2019 йил 3 июлдаги  
К-56-сонли баённомаси билан

Ш.Э.Турсунов



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги Директори

А.А.Назиров

№ Р0496-22 «19» июль 2019 йил

М.Ў.



### Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ҚАРОР

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки

Берилган идентификация рақами:

R U 1 2 2 P 0 4 9 6 R 5

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 700 (Бир минг етти юз) сўм бўлган 9 395 646 700,0 (тўққиз миллиард уч юз тўқсон беш миллион олти юз қирк олти минг етти юз) сўмлик 5 526 851 (беш миллион беш юз йигирма олти минг саккиз юз эллик бир) дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпик обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXII (йигирма иккинчи) чиқарилишдир.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2019 йил 3 июлдаги К-56-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2019 йил 3 июлдаги К-56-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Тел.: 202-01-01, 244-92-75;

Электрон почта манзили: [info@turonbank.uz](mailto:info@turonbank.uz), расмий веб сайти: [www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz).

Бошқарув Раиси

Бош бухгалтер



Ч.С.Мирзаев

Ш.Э.Бозоров

3 июль 2019 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):

Оддий  
хужжатсиз

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:

1 700 сўм

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):

5 526 851 дона

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):

9 395 646 700,0 сўм

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари :

Банкнинг акцияларига эгаллик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- Депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тутатилган тақдирда, ўзларига тегишли улushга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Банк кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг баҳоси ҳақида ахборот олиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- Қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- Ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Банкнинг овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

Имтиёзли ҳуқунинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин, ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилаётган эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар биржадан ташқари уюшмаган бозорда Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги билан банк ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):

765 361 049 400,0 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

а) чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, донада 450 212 382

б) чиқарилган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг турлари

бўйича сони:

эгаси ёзилган оддий акциялар, дона 445 244 882

эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона 4 967 500

в) чиқариш шакли: хужжатсиз шаклда

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 30 сентябрь куни P0855-сон билан ҳужжатга олинган:

а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли - Эгасининг номи ёзилган,

	хужжатсиз (нақдсиз) фойзли облигациялар
б) чиқарилишдаги облигациялар сони	- 3 000 (уч минг) дона
в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм	- 1 000 000,0 (бир миллион) сўм
г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм	- 3 000 000 000,0 (уч миллиард) сўм

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 27 ноябрдаги №15-07/186-сонли қарорига асосан, P0855-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувиغا асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301P0855R0) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2013 йил 26 апрель куни P0855-2 сон билан рўйхатга олинган:

а) чиқарилишдаги облигациялар сони ва шакли	- Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (нақдсиз) фойзли облигациялар
б) чиқарилишдаги облигациялар сони	- 3 000 (уч минг) дона
в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм	- 1 000 000,0 (бир миллион) сўм
г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм	- 3 000 000 000,0 (уч миллиард) сўм

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2018 йил 28 майдаги №15-07/023-сонли қарорига асосан, P0855-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувиغا асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU302P0855R8) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

## **11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:**

### **11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):**

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна йўли билан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

### **11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).*

Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб икки ой муддат ичида жойлаштирилади.

**Жойлаштиришни бошланиш санаси** - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтганига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охириги ариза келиб тушган кундан бошлаб кейинги иш кунидан бошланади, бунда жойлаштиришнинг бошланиш санаси эълон ва билдиришнома берилган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги лозим. Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш куни жойлаштириш санаси ҳисобланади.

**Жойлаштиришни тугатиш санаси** – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган

кундан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

### **11.3 Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).*

Ушбу чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банк Уставига асосан акциядорларга акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати 10 (ўн) кунни ташкил этади. Акциядорлар билан имтиёзли ҳуқуқни қўллаган ҳолда акцияларни жойлаштириш амалга оширилган тақдирда биржадан ташқари уюшмаган бозорда тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш орқали амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 декабрдаги 1093-ф-сонли фармойишига асосан биржадан ташқари уюшмаган бозорда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан банк ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

### **11.4 Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгаллик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи – Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси:

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107, 3-кават, телефон: 267-37-42, факс: 267-36-42, расмий веб-сайт: info@deponet.uz

### **11.5 Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тебрасида баён қилинган тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)*

Банк акциядорини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати 2019 йил 3 июль ойида шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Банк акциядорини чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, банкнинг тартибга солинган ахборот воситаларида эълон қилиш орқали имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ўз акциядорларига акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига

қўғишнинг маъносида, 1 700 сўмдан имтиёзли сотиб олиш таклифини билдиради.

Билдиришнома матнида жойлаштириладиган акциялар сони, жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш муддатлари ва уни амалга ошириш тартиблари тўғрисида маълумотлар бўлиши шарт.

Акциялар ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан аввал жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий кимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

#### **11.6 Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)*

Ушбу чиқарилган акциялар 1700 сўмдан жойлаштирилади.

#### **11.7 Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акциялар бўйича тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади. Акциялар учун тўланаётган нақд пул маблағлари банкнинг барча кассалари орқали қабул қилинади.

#### **11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган акцияларни жойлаштириш муддати тугаган санада ушбу қўшимча чиқариладиган акцияларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми жойлаштирилмаган тақдирда, акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилди, акциялар чиқарилиши амалга ошмаганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг акциялар учун тўланган пул маблағлари банк томонидан 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилди. Бу тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабар берилди.

#### **12. Эмитент томонидан кимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби:**

Банкнинг қўшимча акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уйда жойлашган Бош банкда ҳамда нусхалари билан банкнинг барча филиалларида танишиш мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб сайтыда (www.uzse.uz) ҳамда «Туронбанк» АТБнинг расмий веб сайтыда (www.turonbank.uz) қонунчиликда белгиланган тартибда ошқор этилади.

### **13. Бошқа маълумотлар:**

#### **Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**

«Туронбанк» Акциядорлик тижорат банки  
«Туронбанк» АТБ  
«Turonbank» aksiyadorlik tijorat banki  
«Turonbank» ATB  
Акционерный коммерческий банк «Туронбанк»  
АКБ «Туронбанк»  
Joint-stock commercial bank "Turonbank"  
JSCB "Turonbank"

**Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси** - 1990 йил 31 декабрь, 8-сон.

#### **Лицензия рақами:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган 8-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия.

**Эмитентнинг асосий фаолият тури** - банк фаолияти.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:**  
1030100000009011001

**Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли** – акциядорлик жамияти.

**Манзили:** Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

#### **Солиқ органининг номи ва СТИР коди:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 201 055 108

Хос рақами (ОКПО) код 14825394

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури код 96120

МШТ бўйича мулкчилик шакли код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами код 1726277

Председатель Правления

Ч.С. Мирзаяев

Главный бухгалтер

И.Ш. Бозоргов

Пронумеровано,

Пронумеровано

7

